

Хабар

3
(696)-son

20-yanvar

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Бу сонда:

2 бем

LINUX:

**ЭРКИН ДАСТУРИЙ
МАҲСУЛОТЛАР
ОЛАМИ**

7-10 бем

ТВ-ДАСТУРЛАР



11 бем

**ИТАЛИЯ ПОЧТАСИ:
ТАРАҚИЁТ ТОМОН
ЭНГ ҚИСКА
ЙЎЛ**

12 бем



3 бем

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазириликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонида кўра мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун юртдошларимиздан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Шулар қаторида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармасининг тиббиёт хизмати бошлиғи Алишер Юсупович ЭШДАВЛАТОВ “ШУҲРАТ” медали билан тақдирланди.

* * *

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра мамлакатимиз равнақи ва иқтисодий ривожланиши йўлида зиммаларига юклатилган хизмат бурчлари ва топшириқларни сидқидилдан бажариб, меҳнатда юқори кўрсаткичларга эришганликлари учун “Ватан ҳимоячилари куни” байрами муносабати билан Давлат фелдъегерлик хизматининг муҳим топшириқлар бўйича фелдалоқа катта зобити Маҳмудбек Ўлмасович ИЛЁСОВ, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-сонли ҳарбий қисм) 1-сон авария-тиклаш маркази бошлиғи Зафаржон Ганиджанович АҲМЕДОВ, Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Ҳарбий» кафедраси ўқитувчиси Шухрат Муҳаммадиевич РАҲИМОВлар Агентликнинг “ФАҲРИЙ ЁРЛИФИ” билан мукофотландилар.
Мукофотлар муборак бўлсин!

Интернет
ҳамкорларимиз:



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

Haftalik xabarlar

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислам Каримов Ватан ҳимоячилари қуни муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини йўллади.** Табриқда, жумладан, шундай сўзлар бор: “Қуролли Кучларимиз доимо мамлакатимиз озодлиги ва мустақиллигининг, кенг миқёсдаги демократик ўзгаришларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, муқаддас заминимизда тинчлик ва осейишталликни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.”

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 январь кuni Оқсаройда Евроосий иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди.**

Оқсаройдаги учрашувда Президент Ислам Каримов ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартибдаги асосий масала Ўзбекистоннинг унга расман аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ бўлишини таъкидлади. Мазкур учрашув ана шу жараён билан боғлиқ ташкилий масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканлигини қайд этди.

Бош котиб билан суҳбат чоғида Евроосий иқтисодий ҳамжамияти доирасида интеграция жараёнларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

◆ **“Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси “Жануб” чегара қўшинлари минтақавий штабининг Термиз чегара районини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони матбуотда чоп этилди.**

◆ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот фаолияти, маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг 2005 йилдаги фаолияти унвонлари сарҳисоб қилиниб, 2006 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Шунингдек, комиссия йиғилишида телерадиодастурларни тарқатиш билан шуғулланаётган хўжалик юртувчи субъектларнинг фаолияти бўйича ўтказилган мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборот тингланди.

◆ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Халқаро муносабатларнинг устувор йўналишлари ва уларни амалга оширишда парламент институтининг ўрни” мавзусида амалий семинар ўтказилди.**

Семинарда халқаро муносабатларни амалга оширишда парламент институтининг ўрни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатлари доирасида халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш масалалари ҳамда бугунги халқаро муносабатларнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузалар тингланди.

◆ **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси таркибига кирувчи вазирлик ва идораларнинг 2005 йилги фаолияти натижалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Мажлисда давлат дастурларига белгиланган айрим бандлар ижросида йўл қўйилаётган сусткашлиklar, мутасадди ходимларнинг ўзи вазифасига бўлган масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўрилган барча масалалар, мавжуд камчиликларни бартавраф этиш юзасидан тегишли давлат идоралари ва бошқарув органларига аниқ топшириқлар берилди, 2006 йилда қилиниши лозим бўлган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

◆ **Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди.**

Анжуманда нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолиятининг кафолатларига доир қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда ННТлар ролини ошириш, юртимизда бундай ташкилотларнинг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилиш масалалари “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси доирасида атрофлича муҳокама этилди.

TADBIR

Компютер деганда кўпчиликнинг кўз ўнгиде монитор ва процессор намоен бўлади. Лекин дастурий маҳсулотларсиз бу жиҳозлар оддий темир ва пластмассадан бошқа ҳеч нарса эмас. Шунинг учун ҳам дастурий маҳсулотлар бозори ҳозир дунёдаги энг йирик бозорга айлиниб улгурган. Мисол сифатида биргина Билл Гейтснинг ниманинг ҳисобига миллиардлар эгасига айланганини эслаш kifoya. Унга тегишли бўлган Windows операциян тизими бугунги кунда деярли ҳар бир компютерда мавжуд. Бироқ дастурий маҳсулотлар бозорининг жадал ривожланаётгани шунга яраша рақобатчиларни ҳам вужудга келтирмоқда. Улардан энг асосийси Linux операциян тизимидир.

LINUX: ЭРКИН ДАСТУРИЙ МАҲСУЛОТЛАР ОЛАМИ



17 январь кuni Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида Linux операциян тизимининг Ўзбекистондаги вакиллари, ушбу тизим фойдаланувчилари ва умуман, компютерлаштириш ва АКТ-га қизиқувчиларнинг ўзаро учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбир бир вақтнинг ўзида икки залда ўтказилди. Бирида тақдимот маросими бўлган бўлса, иккинчисида “линуксчи”лар томонидан ўрнатилган компютерлар орқали катта миқдордаги Linux дистрибутивларини кўчириб олиш имкони яратилган эди.

Тақдимот маросимида REDbyte Labs компанияси вакили Кирилл Новиков маъруза қилди.

— Бугун Linux операциян тизими ҳақида сўз юритамиз, — деди маърузачи. — Ушбу операциян тизим 1991 йили финляндиялик талаба Линус Торвалдс томонидан ташкил этилган. Лекин Линуснинг асосий ютуғи тизимни яратганлигига эмас, балки бу соҳада бутунлай янги услубни кашиф қилганлигидир. Унинг ғояси оддий ва ажойиб — “А” дастурловчи бирор бир дастур яратиб, уни Интернетга жойлайди ва у билан бирга қириш кодлари ҳам жойланади. “В” ва “С” мутахассислар эса уни кўчириб олиб, ўзларида тузилган янги ғоялар билан дастурни янада му-



каммаллаштиришади. Бироқ “А” дастурловчиси лойиҳа муаллифи сифатида “С” мутахассиси томонидан тўлдирилган вариантти лойиҳа стратегияси ривож учун тўқсинлик қилади деб ҳисобласа, ундан воз кечиши, “В” мутахассисининг варианттини эса қолдириши мумкин. Барча тақлиф ва ўзгартиришлар таҳлил қилингандан сўнг, лойиҳа муаллифи дастурнинг якуний талқинини Интернетга киритади. Ушбу жараёнда барча ҳоҳловчилар иштирок этишлари, дастурларни бемалол текин-да, асосийси, қонунни бузмасдан кўчириб олишлари мумкин. Хуллас, Linux — эркин дастурий маҳсулотлар олами.

Марузачининг айтишича, ушбу тизим шунчалик эркин, бирор савол туғилиб қолса, ҳатто шахсан Торвалдсга хат ёзиб, ундан жавоб олиш мумкин. Айни пайтда дунёнинг кўплаб шаҳарлари бошқарувида Linux операциян тизимидан фойдаланиб келинмоқда. Ушбу тизим таълим йўналишида ҳам кенг қўлланиляпти. Компютерлаштириш ва ахборот технологиялари ривожланиб бораётган бугунги кунда ишончли операциян тизимдан фойдаланиш тақозо қилинади. Linuxнинг бирор дистрибутивини компютерга ўрнатиб, ҳеч қандай тўловларни амалга оширмасдан,

керак пайтда техник ёрдам олса ҳам бўлади. Шунингдек, унда мавжуд дастурлар воситасида турли ҳужжатлар, веб-саҳифалар, Интернет-тармоқ ва FTP-серверлари кабиларни яратиш мумкин.

Айни пайтда Linux ўзбек тилига маҳаллийлаштирилган ва бунинг устида Машраб Қувватов бошчилигидаги таржимонлар гуруҳи доимий иш олиб бормоқда.

Умуман олганда, Linux операциян тизимини ўрнатиб, вирус муаммосидан ҳам, ҳақерлар ҳужумидан ҳам, тизимдаги бузилишлардан ҳам халос бўлиш мумкин экан. Энг асосийси, бу хизматларнинг лицензияли ҳисобланади. Биргина мисол: кўпчиликнинг компютерига ўрнатилган Windows операциян тизими лицензияга эга эмас. (Мутахассисларнинг айтишича, лицензияли Windows операциян тизимини ўрнатиш учун ўртача 300 АҚШ доллари керак бўлади. Ҳар хил дастурлар ҳам алоҳида пул туради.) Бундай пайтда тизимда бирор муаммо юзага келса, сизда техник ёрдамдан фойдаланиш имкони бўлмайди.

Тақдимотдан сўнг барча иккинчи залга — Linux дистрибутивларини кўчириб олишга ошиқтишди.

Лутфилло ТУРСУНОВ
tixabar@mail.uz

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ!

Тошкент ахборот технологиялари университетида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда университет ректори, профессор С.Қосимов ҳарбийларни байрам билан табриқлаб, уларга узоқ умр, соғлиқ ва ишларида муваффақиятлар тилади. Сўнгра Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев сўзга чиқиб, йиғилганларни байрам билан муборакбод этди ҳамда университет “Ҳарбий” кафедраси ўқитувчиси Ш.Раҳимовга Агентликнинг «Фахрий ёрлиғи»ни топширди.

2000 йили террорчиларга қарши курашда мардларча ҳалок бўлган лейтенант Бобуржон Ганиев хотираси учун университетда ҳар йили унинг номидаги стипендия совриндори аниқланиб, тақдирланади. Йиғилишда 2005 йили ушбу стипендияга Махсус факултетнинг 4-босқич курсанти Отамурод Эсоналиев сазовор бўлганлиги ҳақидаги қарор ўқиб эшиттирилди. Шундан сўнг ҳарбийлар номидан сўз олган “Ҳарбий” кафедра мудири, подполковник А.Абдуҷамилов ишонч ва курсатилган ғамхўрлик учун ўз миннатдорчилигини билдирди.

Йиғилиш сўнгиде Ўзбекистон Қуролли Кучлари ашула ва рақс ансамбли хонандалари иштирокида концерт намойиш қилинди.

Дилноза НУРМУҲАМЕДОВА,
ТАТУ МАТБ методисти

Илм-фан, техника жадал ривожланиб бораётган ҳозирги замонда ахборот технологияларининг аҳамияти тобора ортиб борапти. Шу боис соҳа бўйича илмий кадрларни тайёрлаш ўта муҳим вазифага айланган. Бу борада Тошкент ахборот технологиялари университетида бирмунча ижобий ишлар олиб борилмоқда. Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳам талайгина тадбирларни амалга оширяпти. Лекин давр талаби бу соҳада олиб борилаётган ишлар кўламини янада чуқурлаштиришни, кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Агентликнинг Ҳайъат йиғилишларидан бирида бу борада зарур тадбирлар белгиланди, шу жумладан, истеъдодли тадқиқотчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам режалаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Тошкент ахборот технологиялари университети жамоасига йўллаган табригида таъкидлаганидек, ҳаётимизнинг барча жабҳалари учун зарур бўлган юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, мала-

кали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз даркор. Шулар қаторида бугун ҳаётимизга чуқур кириб бораётган Интернет тизимини кенг жорий этиш, ёшларимизни Ўзбекистоннинг қадимий ва бой тарихи, эзгу қадриятларимиз, юксак ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш доимо эътиборимиз марказида туриши лозим.

мерос тақсимлаш, ҳар қандай битимлар тузишда ва бошқа турли ишларда кишилар учун зарурлиги таъкидланади.

Донишмандларимиз ўз даврларидан олдин яратилган илмий-маданий меросни эътибор билан ўрганиб, танқидий таҳлилдан ўтказиб, уларга таяниб, билми чегарасини кенгайтириб, муҳим янгилликлар кашф этганлар. Улар билим излаб кўп шаҳар ва ўлкаларда бўлганлар, у ердаги илм марказлари, китоб хазиналаридан самарали фойдаланиш-

марали фойдаланди. Уларнинг кўплаб асарлари ўша асрлардаёқ бошқа тилларга таржима қилинди. Хусусан, Х асрда Рим папаси Силвесто II қарори билан мураккаб рим рақамлари ўрнига Хоразмий қайта ишлаб чиққан "араб рақамлари" Испанияда амалиётга киритилган эди. Ёки Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" 30дан ортиқ маротаба лотин тилига ва у орқали бошқа тилларга ўғирилган, Европа табобат олами ушбу асарни мамнуният билан қабул қилган

ИЛМ ЭГАЛЛАШ САБОФИ

Ана шу қадимий ва бой тарихимиз далолат берадики, қомусий олимларимиз — Мусо Хоразмий, Аҳмад Фаргоний, Форобий, Абу Али Ибн Сино, Беруний, уларнинг кўплаб шогирд ва издошлари бундан кўп асрлар муқаддам илм-фанда юксак марраларга эришганлар. Алломаларимиз номларини маърифатли дунё бугун ҳам чуқур ҳурмат билан тилга олади. Уларни бу қадар машҳур қилган илмий тадқиқотлар қандай яратилди? Буюк донишмандларимизнинг билим эгаллашдаги услубиятлари, умуман, илмий изланиш тарзи, фанга фидойилиги бугун ҳам бизга ибрат вази-фасини бажаради десак, тўғри бўлади. Шояд, соҳамиз жонқурлари ўз билимларини чархлаб, тафаккурларини ривожлантириб, мустақил Ватанимизга сидқидилдан, онгли равишда хизмат этиб, ота-боболаримиз рўҳини шод қилсалар.

Аввало, ажодларимиз тадқиқотлари инсоният эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган. Масалан, Ал-Хоразмийнинг "Алжабр ва муқобала ҳисоби" китоби муқаддимасида ушбу асарнинг адиля ишлари, савдо, ер ўлчаси, канал ўтказиш,

га, жойлардаги олимлар билан мулоқотда бўлишга, баҳслар қуришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Форобий Тошкент, Бухоро ва Самарқанд мадрасаларида таҳсил олган. Кейинроқ ўз билимини янада ошириш мақсадида Бағдодда, Дамашқда, Ҳалаб (Алеппо)да яшаган. Донишмандларимиз қадимий юнон, ҳинд, лотин, хитой, араб, форс, яҳудий тилларидаги манбалардан ўз илмий ишларига оид масалаларни кўнгил билан мутолаа қилганлар ва ушбу асарлардаги фояларни ривожлантирганлар.

Алломаларимизнинг бир қанча тилларни билганликлари ҳам уларнинг кенг тафаккурга эга бўлишида муҳим омил бўлган. Аввало, улар ўз она тиллари билан бир қаторда араб тилини ҳам мукаммал билганлар. Араб тили грамматикаси ҳақида Ибн Сино, Махмуд Замахшарий, Абдураззоқ Самарқандийлар махсус асарлар яратганлар.

Ватандошларимиз яратган илмий асарларнинг салмоғи шу қадар нуфузли бўлганки, маърифатли дунё буни очик кўнгиллик билан тан олди, уларда яратилган фоялар, кашфиётлардан са-

эди. Фаргоний асарлари бўйича XV асрда Австрия ва Италия университетларида маърузалар ўқилган. Европа астрономлари XVII асрдаёқ Ойнинг янги кашф этилган икки кратерига Фаргоний ва Улугбек номларини берганлар.

Ажодларимиз илм эгаллаш — игна билан кудук қазидек мушкул ва шу билан бирга шарафли вазифа эканлигини яхши билганлар, ўз фаолиятларида дуч келган кўп қийинчиликларни сабот билан енга олганлар. Уларнинг фанга беҳад фидойилиги, қизиқувчанлиги, эринмай астойдил ишлаш қобилияти, жиддий изланувчанлиги, мураккаб масалалар ечимини топишга руҳан тайёрлиги, собитлиги, илмга интилишида ҳалол ва холислиги, фалсафий идрок, мустаҳкам иродаси бу борада асосий ўрин тутган.

Дарҳақиқат, ажодларимизнинг ижодий тажрибалари бугун ҳам илм эгаллашга бел боғлаган ёшларга ибрат бўлса, ажаб эмас.


Абдулла АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
фан арбоби, ТАТУ профессори

ТА'ЛИМ ТИЗИМИ

Тарих саҳифаларидан муносиб ўрин оладиган 2005 йил келажакда алоқа соҳасида ишлаш истагида бўлган бухоролик ёшлар учун қувончли келди. Кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳарда Бухоро давлат университетининг Компютер ва ахборот технологиялари академик лицейи иш бошлади.

Академик лицей биноси қурилиши учун 1,8 миллиард сўм сарфланди. Ушбу иншоотни "Бухороуйқурилиш" ҳиссадорлик жамиятига қарашли хўжалик ҳисобидаги "Мададор" механизациялашган бўлимининг кўли гул қурувчилари барпо этган. Ҳозирги пайтда бу ерда 163 нафар ўқувчи 6 гуруҳга бўлинган ҳолда билим чўққиларини эгаллаяпти. Ўқувчи ёшларга 4та йўналиш — аниқ фанлар, хорижий филология, ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлар бўйича билим берилмоқда. Ўқув машғулоти аниқ фанлар ва хорижий филология йўналишлари бўйича рус тилида, қолган йўналишларда эса давлат тилида олиб борилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, русийзабон ўқувчиларнинг ўзбек тилига бўлган қизиқиши, уни ўрганишга бўлган иштиёқи анча кучли. Турли тадбирлар давомида айнан шу нарса яққол намоён бўляпти.

Академик лицей ўқувчи-ёшларига жами 25 нафар олий маълумотли педагог чуқур билим берапти. Улар орасида ўз соҳасининг зукко билимдонлари талайгина. Физика-математика фанлари доктори Шавкат Мирзаев, фан номзодлари — лицей директори Хамро Саидов, Комил Обидов, Илҳом Уринов, шунингдек, малакали педагоглар — математика фани ўқитувчиси Хадича Авезова, англиз ва рус тили муаллимларидан Мунира Тагирова, Махфуза Саъдуллаева, Ҳафиза Аҳмедова, она тили ва адабиёт дарсларини юқори савияда ўтказиб келаятган Гавҳар Имомова син-



гарилар шулар жумласидандир.

Мазкур лицейда ўғил-қизларнинг билим олишлари, келажакда муносиб кишилар бўлиб буювга етишишлари учун барча шароитлар бор. Бинонинг ташқи ва ички кўриниши ҳар қандай кишининг қалбини ўзига ром этади. Бу ерда замонавий ва миллий меъморчилик аъёналари таъсири яққол кўриниш мумкин. Биргина шунинг ўзидек ёшлар қалбида мустақил ватан-

га меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини уйғотиши, уларни буюк келажакка ундаши турган гап.

Лицейнинг физика, кимё, математика, информатика фанлари бўйича машғулотлар ўтказиладиган хоналари ўқувчилар билан ҳамisha гавжум. Мазкур лицей ёшлари ўқини тугатгач, қайси олий ўқув юртида таълим олишлари мумкинлиги, бу борада уларга қандай имтиёзлар берилиши хусусида сўз юритувчи

маълумотномалар билан танишиб, академик лицей ўқувчилари халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилиш билан бирга, ўзлари танлаган соҳанинг етук мутахассислари сифатида

ва туманлардан катнаб ўқийдиган ўқувчилар ҳозирча Бухоро енгил саноат касб-ҳунар коллежи ётоқхонасидан фойдаланиб келишмоқда. Янги ётоқхона фойдаланишга топширилиши


билан бу масала ҳам ижобий ҳал этилади.

Лицей ўқувчи-ёшлари билан суҳбатда бўлсангиз, улар ўзлари танлаган соҳа бўйича етук мутахассислар бўлиб етишишга қатъий аҳд қилганликларининг гувоҳи бўласиз. Лицейнинг хорижий филология бўлимида ўқийдиган Гулноза Зикриллаева, Гулмира Фозилова, аниқ фанлар бўйича таълим олаётган Баҳодир Ниёзов, Руслан Асқаров сингари ёшлар яхши мутахассис бўлишга бел боғлашган. Масалан, Руслан информатика фанини чуқур ўрганиш ниятида. Компютер савдоҳонлиги бўйича у кейинги пайтда жиддий муваффақиятларга эришяпти. Бундай иқтидорли ёшларни лицейда кўплаб учратиш мумкин. Келажакда турли танлов, беллашувларда ҳам уларнинг фахрий ўринларни эгаллашларига шубҳа йўқ.

Бухоро шаҳрининг 6-кичик тумани томон буриладиган жойда шинамгина бино қад ростлаб турибди. Бу — Бухоро давлат университетининг Компютер ва ахборот технологиялари академик лицейидир. Бинога кўз ташлар эканмиз, кўнглимиздан қуйидаги ҳис-туйғулар кечди: бу ерда таълим олаётган ёшлар чиндан-да катта ҳаёт бўсақсида, ойдин йўл бошида туришибди, янги 2006 йилда ҳам, ундан кейин ҳам уларга ҳамisha омад ёр бўлсин, ҳамий!

Асқар ИСТАМОВ
Бухоро вилояти

DUNYO BIR TUGMASHA-YU...



Yangiliklar

Xabarlar

Voqealar

ЕВРОИТТИФОҚ ЖИДДИЙ ХАВОТИРДА

Келгуси йилдан Европа Иттифоқига қўшилишга тайёрланаётган Руминияда ҳам "парранда гриппи" аниқлангани мазкур Иттифоққа аъзо мамлакатларни жиддий ташвишга солиб қўйди.

Европа мамлакатлари орасида паррандачилик соҳасида етакчилардан бўлган Франция ва Нидерландия касаллиқнинг кенг тарқалиб кетмаслиги учун имкон қадар чора-тадбирлар кўрмоқда. Франция Бош вазири Уринбосари Доминик де Вилпен мамлакат ҳудудида қушларнинг учиниши назорат қилишни кучайтириш кераклигини билдирса, Нидерландия Еврокомиссияга ўз ҳудудидаги барча паррандаларни эмлаш таклифини киритди. Европа Иттифоқи эса бу эпидемияга қарши самарали кураш олиб борган давлатларга 100 миллион доллар миқдоридида маблағ ажратишини маълум қилди.

Маълумки, дунё бўйича 70 кишининг умрига зомин бўлган вируснинг хавфи H5N1 турига Туркияда 18 киши чалинган ва уларнинг уч нафари оламдан ўтган эди. Анкарада аниқланган "парранда гриппи"ни таҳлил этаётган олимлар ушбу вируснинг Гонконгдагидан хавфлироқ эканлигини билдиришмоқда.



СИРЛИ ТАШРИФ

Чоршанба куни эрталаб Шимолий Корея раҳбари Ким Чен Ирнинг махсус поезде ХХР ва КХДР чегарасига етиб келди. Шу тарзда Ким Чен Ирнинг Хитойга қилган саккиз кунлик сирли ташрифи ниҳоясига етди, дейилади Reuters ахборотида.

Хабарларга кўра Шимолий Корея етакчисининг Хитойга ташрифи 10 январь куни бошланган эди. Аммо бу фактни ҳар икки мамлакатнинг бирор бир расмий вакили тасдиқламаган. Ҳатто оммавий ахборот воситаларида Ким Чен Ирнинг Россияга жўнаб кетганлиги ҳақидаги мақолалар ҳам пайдо бўлган.

Кейинроқ маълум бўлишича, КХДР раҳбари аввал Хитойнинг Гуанчжоу ва Шэнчжэн шаҳарларида бўлиб, хитойликлар эришган ютуқлар билан танишган. Сўнгра ХХР раҳбари Ху Цзинтао билан учрашиш учун Пекинга йўл олган. Манбаларда таъкидланишича, мамлакатлар раҳбарлари Шимолий Кореянинг ядро муаммоси бўйича янги олти томонлама учрашувларни муҳокама қилишган.

Таъкидлаш жоизки, КХДР етакчисининг халқаро ташрифлари ўта яширин тарзда ўтмоқда.



МОСКВАДА 30 ДАРАЖА СОВУҚ

Москвада деярли 30 даража совуқ бўлаётгани шаҳар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда.



Россия пойтахтидаги кўплаб ташкилотлар жамоат транспортидаги ва электр қувватидаги узиллишлар туфайли бир маромда фаолият кўрсатолмапти. Домофонлар, банкоматлар совуқдан музлаб қолаётганлиги тўғрисида ҳукуматга кўплаб хабарлар келмоқда.

Фавқулодда вазиятлар бўйича комиссия 18 январдан бошлаб пойтахт ва пойтахт вилояти ҳудудларига махсус тартиб билан иссиқлик тақсимлаш бўйича қарор қабул қилди.

ШАРОН ЯНА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ


Чоршанба куни кечқурун Ариэл Шарон бешинчи бор операция қилинди.

Қуддусдаги "Хадасса" клиникаси шифокорлари бош вазирнинг нафас олишини енгиллаштириш учун яқшанба куни унинг томоғига ўрнатилган сунъий нафас олиш трубкасини алмаштиришган. Шифокорларнинг фикрича, операция муваффақиятли ўтган.

Шарон маслаҳатчисининг айтишича, набираларининг овозлари ёзилган аудиоёзув эшиттирилганида 77 ёшли бош вазир бир оз кўзини ҳам очган. Аммо кўплаб шифокорлар буни комадан чиқис эмас, балки табиий рефлекс, деб ҳисоблашмоқда.

МИШЕЛ БАЧЕЛЕТ — ЧИЛИ ПРЕЗИДЕНТИ

Чилида бўлиб ўтган президент сайловининг иккинчи турида Сўл марказчилар коалицияси вакили, 54 ёшли Мишел Бачелет голиб чикди.



У нафақат Чили, балки Жанубий Америка тарихидаги биринчи аёл президентдир.

Унинг рақиби — Миллий тикланиш партияси вакили, 56 ёшли мултимиллионер Себастьян Пиньера сайловнинг расмий натижалари эълон қилинмасданок мағлубиятини тан олди.

Сайловнинг якуний ҳисоб-китобига кўра, Бачелетни сайловчиларнинг 53,51 фоизи кўллаб-қувватлаган бўлса, унинг рақиби 46,48 фоиз сайловчи овоз берган.

ЖУРНАЛИСТ АЁЛ ТУТҚУНЛИҚДА

АҚШ давлат департаменти махсус вакили Шон Маккормак Ироқда тутқунликда ушлаб турилган Америка журналисти Жилл Кэрролни қутқариш учун Жорж Буш маъмурияти барча чораларни кўришини маълум қилди.

Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали орқали Жилл Кэрролнинг 20 сониялик видеотасвири намойиш этилганидан сўнг, давлат департаменти вакиллари бу маълумотни тасдиқлашган. Шунингдек, террорчилар видеоезувда 72 соат ичида ироқлик барча махсус аёлларни озод қилиш талабини ҳам илова қилишган.

Эн-би-си телекомпаниясининг маълум қилишича, америкалик журналист аёлни гаровга олганлар ўзларини "Ҳақли қасос бригадаси аъзолари" дейишади. Ушбу ташкилотнинг эмблемаси "Ал-Жазира"даги видеотасмада кўринган.

Маълумки, Американинг "Christian Science Monitor" газетасининг Ироқда ишлаётган 28 ёшли жамоатчи ходими Кэррол кетаётган машинага 7 январь куни Бағдод атрофида қуролланган одамлар ҳужум қилган. Ҳужум пайтида таржимон отиб ташланган, ҳайдовчи эса бахтли тасодиф туфайлигина қочиб муваффақ бўлган. Шундан буён журналист аёлнинг тақдири номаълум.



ЭРОН ЯДРОСИ: МУҲОКАМА ДАВОМ ЭТАДИ

Эрон Ислом Республикасининг атомни бойитиш дастурини ўзининг иқтисодий тараққиёти учун очик-ойдин амалга оширишга ҳаракат қилаётгани бу муаммо доирасидаги тортишув ва қарама-қаршилиқларни янада чуқурлаштириб юбормоқда.

Бу мамлакатнинг ядро уранига эга бўлиши дунё тинчлигига хавф солишидан ташвишланаётган Европа учлиги — Франция, Германия, Англия ҳамда АҚШ, Россия ва Хитой давлатлари Аҳмадинажот ҳукумати ни бу йўлдан қайтаришга уриниб, ўзаро музокаралар олиб боришмоқда. Жумладан, ўтган ҳафта АҚШга ташриф буюрган Германия канцлери Ангела Меркел Эрон ядро дастури муаммоси борасида президент Буш билан ҳамфикр эканлигини билдирди. "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги тарқатган хабарларга қараганда, Буш маъмурияти ушбу муаммо бўйича Россия билан ҳам музокараларга киришган.

АҚШ давлат департаментининг матбуот хизмати раҳбари Шон Маккормак журналистлар учун ўтказилган брифингда Америка давлат котиби Кондализа Райс Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров билан бу муаммони телефон орқали муҳокама қилганини айтган. Шунингдек, К.Райс Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосик билан ҳам музокара юритган. Буларнинг барчаси МАГАТЭ Бошқарув кенгаши мажлисини ўтказиш ва БМТ Хавфсизлик кенгашининг бу муаммо бўйича қандай йўл тутишини белгилаб бериш олдидан олиб борилаётган консултатив жараёндир.

Маккорманинг айтишича, АҚШ давлат котиби ўринбосари Николас Бернс шу ҳафтада Лондонда Россия, Хитой, Буюк Британия, Франция ҳамда Германия вакиллари билан МАГАТЭ Бошқарув кенгаши мажлисини қаҳриш борасида музокара олиб боради. Олти давлатнинг оқори мартабали вакиллари Лондонда Эрон ўзининг ядро объектларидан МАГАТЭ муҳрларини олиб ташлаганидан сўнг қандай чора кўрилиши кераклигига боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари бўлган Россия ва Хитой Эрон ядро дастури муаммосини дипломатик йўл билан ҳал этишга ҳали имконият борлигини таъкидламоқда.



HAMKORLIK UfqLARI

ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Янги йил байрами арафасида «Ўзбектелеком-Интернейшнл» қўшма корхонаси филиаллари раҳбар ходимларидан бир гуруҳи Индонезия мамлакатига бўлиб қайтишди. Улар истиклол йилларида йўлга қўйилган ҳамкорлик самараларига бағишланган ялпи йиғилишда иштирок этишди.

Сафар катнашчиси, «ЎЗИ-Термиз» филиали директори Нормурод Худоев ўз таассуротлари ҳақида шундай деди:

— Маълумки, икки мамлакатнинг алоқа соҳасини ривожлантириш йўлидаги ҳамкорлиги фақат мустақил тўфайли шаклдан ва тобора мустаҳкамланяпти. Кейинги йилларда қадимий Термизда ҳам рақамли телекоммуникация имкониятлари ишга солиниб, мижозларга телефон хизмати кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.

Ҳамкорликда бажарилган ишлар Индонезияда ўтказилган навбатдаги ялпи мажлисда атрофлича таҳлил этилди ва истикболли режалар белгилаб олинди. Мажлисда «Бақрий» хусусий компаниясининг жаҳонда қирққа яқин турли йўналишда фаолият юритаётган қўшма корхоналари мавжудлиги, улар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ришталари боғлангани таъкидланди. Бу жараёнларда она Ватанимиз — Ўзбекистоннинг ҳам муносиб ўрни борлиги тилга олинганда

вужудимизни гурур ва ифтихор ҳисси қамраб олди. «Ўзбектелеком» АК бош директори Ҳаким Муҳитдинов ҳамда «Ўзбектелеком-Интернейшнл» қўшма корхонаси бош директори Ҳикмат Ҳакимов ўз маърузаларида икки томонлама ҳамжихатлик тинчлик мақсадларига хизмат қилаётганини алоҳида тилга олишди.

Мажлис иштирокчилари алоқа соҳасида рақамлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга келишиб олишди. Шубҳасиз, 2006 йилда тармоққа чет эл инвестициясини жалб этишга кўпроқ эътибор қаратилади. Бу орқали рақамлаштириш бўйича тўла мукамалликка эришамиз, деган умиддаман.

Сафар давомида индонезиялик ҳамкасблар иш тажрибаси билан ҳам яқиндан танишди. Улардаги тезкор хизмат турлари, техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси билан боғлиқ ишларни ҳам ҳар қанча ўрган-сак арзийди.

Албатта, ҳар бири киши олис манзилларга сафар қилганда фа-

қат касб тақозоси доирасидаги ишлар билангина чекланиб қолмайди, балки ўша мамлакатнинг табиати, одамларининг ҳаёти ва ҳайратга соладиган бунёдкорлик ишлари билан ҳам қизиқади.

Биз учун киши оғи саналган декабрда ҳам Индонезияда ҳарорат баланд эди. Мамлакат шиликорлари йил мобайнида уч марта ҳосил йиғиб олишар экан. Дикқатимизни тортган яна бир нарса шуки, индонезияликлар ҳар қарич ерни қадрлашади. Шунданми, ҳар икки оиланинг бири мулкдор, нимадир ишлаб чиқаради ёки тижорат билан шуғулланади.

Тинч океанининг Индонезияга яқин худудларида минглаб оролчалар бор. Биз фақат уларнинг айримларига бордик.

Ўн икки кунлик сафаримиз давомида Малайзияда ҳам бўлдик. Бу мамлакатнинг осмон-ўлар бинолари, кўшқаватли кўприклар, айниқса, ўзига хос паллазорлари диққатимизни тортди.

Умуман олганда, хориз сафаридан бир олам таассурот билан қайтдик.

Фурсатдан фойдаланиб, янги йилни кутиб олган юртдошларимизга тинчлик-омонлик ҳамда оилавий бахт-саодат тилаймиз.

Нортожи ЗИЁЕВ
ёзиб олди

ORAMIZDAGI ODAMLAR

Хива туманидаги «Эски Қиёт» алоқа бўлимида коммунал хизматлар бўйича аҳолидан 4,6 миллион сўмлик тўловлар йиғиб олинди ва вилоят миқёсида мазкур бўлим етакчи бўлди. Шу муносабат билан алоқа бўлими бошлиғи Муҳаббат Бобожонова ва почтачи Оллаберган Матёкубов энг яхши алоқачилар деб тан олинди, пул мукофоти билан тақдирланишди.

ШОГИРДЛАРИДАН КЎНГЛИ ТЎҚ

— «Эски Қиёт» энг яхши алоқа бўлимларимиздан биридир, — дейди «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Хоразм филиали директори Отабой Раҳимов. — Жамоа аҳолига хизмат кўрсатишда юқори натижаларга эришяпти. Бунда, албатта, алоқа бўлими бошлиғи Муҳаббат Бобожонованинг катта ҳиссаси бор. У ҳаракатчан, ўта масъулиятли аёл. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишда бошқаларга ўрناк бўладиган даражада иш олиб бормоқда.

Хизмат юзасидан Хивага йўл оларканман, биринчи навбатда «Эски Қиёт» алоқа бўлимига киришга аҳд қилгандим. Лекин ҳамкасбларим биз борадиган бошқа ташкилотларни илгарироқ огоҳлантириб қўйишган экан, ниятимни кейинроққа суришга мажбур бўлдим. Ташкилотлар фаолиятини ўрганиб чиққунимизча анча вақт ўтди. Кун ботаётганида «Эски Қиёт» алоқа бўлимига йўл олдик. Алоқа бўлими ходимлари аллақачон ишларни саранжомлаб, тарқалишган экан.

Муҳаббат Бобожоновани излаб, хонадонига борганимизда, у атрофига тўпланган невараларини ардоқлаётган экан. Самимий, юзидан кўли аримайдиган бу аёл бизни очик-саодат тилайди.



Нортожи ЗИЁЕВ
ёзиб олди

HAMKASBLARIMIZ

Изланишда, интилишда бўлган инсонларнинг меҳнати доимо қадр топади. Ўзгаларга манфаати тегаётганлигини ҳис қила билиш ҳам комилликка интилган инсонларнинг фазилатидир. «Наманган Телеком» филиалининг Тошбулоқ телекоммуникациялар боғламасида 17 йилдан буён уста монтер сифатида одамлар қорига яраб келаётган Авазбек ҚУРБОНОВнинг фаолиятига назар ташлаб, бунга амин бўлдик.

МЕҲНАТ ЭЪЗОСИ

Монтерликка ҳавас Авазбек акада болалигидаёқ пайдо бўлган эди. Андижон индустриал техникумида, кейинчалик иш жараёнида электромонтерлик сирларини илдан-илгасига ўрганишида бир пайтлар турли носоз электр жиҳозларни тузатиб юриб орттирган маҳорати ҳам қайсидир маънода қўл келди. Кейин турли корхоналарда ишлаб, тажрибасини янада бойитди. Шунингдек, устозларнинг ўғити ўз касбининг устаси сифатида шаклланишида мўҳим омили бўлди.

Бугунги тезкор ҳаётимизни замонавий алоқа воситаларисиз тасаввур этиш мушкул. Аҳолининг бу борадаги эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун Наманган вилотида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Тошбулоқда 2800 рақамга мўлжалланган АТС ишлаб турибди. Бундан ташқари, туман худудидоги яна 12та АТС ҳам мижозлар хизматида. Уларнинг мунтазам равишда электр энергияси билан таъминланишини назорат қилиш, рўй бериши мумкин бўлган техник носозликларни ўз вақтида бартараф этиш

масъулияти Авазбек ака бошчилигидаги гуруҳ зиммасига юкланган. Бу борада Р.Одилов, И.Тургунов ва Н.Мамадалиев сингари шоғирдлари устанинг ҳақиқий ёрдамчиларидир. Авазбек ака ҳақиқи равишда улар билан фахрланади, соҳанинг сир-синаотларини ўргатиб чарчамайди, керакли йўл-йўриқлар беради.

Лавҳамиз қаҳрамони турмушда ҳам барчага ўрناк. Оқбулоқ маҳалласи аҳли тўрт ўғил, икки қиз ва етти набирага бош-қош бўлаётган Авазбек ака ва у кишининг турмуш ўртоғига ҳавас қилишади.

Уста яқинда қадимий Самарқанд шаҳрига саёҳат қилди. Унинг сафар таассуротларига қўлоқ тутамиз:

— Болаликдан саёҳат қилишни жуда яхши кўраман. Айниқса, қадимий шаҳарларимиз, табарруқ қадамжоларимизни велосипедда зиёрат этишни орзу қилардим. «Яхши ният — ярим давлат» деганларидек, яқинда яна Самарқандга бордим. Йўлда менга ҳамкасбим Собиржон Қаҳоров ҳамроҳлик қилди.

кўрсатган гамхўрликларидан бениҳоя мамнулик туйдиқ. Айни пайтда диёримизнинг Олмалик, Гулистон, Жиззах каби шаҳарларида амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик.

Тўғри, Самарқандга аввал ҳам борганман. Аммо тарихий обидаларни ҳозиргидек синчиклаб, обдон томоша қилмагандим. Регистон майдони, Соҳибқирон бобомиз мақбараси, Бибиноним, Шоҳи Зинда обидаларининг асрлар давомида салобатини йўқотмай келаётганлиги мени ҳайратга солди. Буоқ аждодимиз Имом Исмоил ал-Буҳорий мақбарасини тавоф этганимизда руҳиятимизда ўзгача бир энгиллик ҳис этдик.

Қаерда бўлмайлик, ўтмишимиз маънавий мероси, халқимизнинг қадимий маданияти эъозланаётгани, келажак авлод учун уларни ноёб осори-атикалар сифатида қолдириш йўлидаги савй-ҳаракатлар самара бераётганлигидан хурсанд бўлдим...

Б. ҚЎШМОНОВ
Наманган вилоти

Ушбу алоқачилар хонадонига тўрт фарзанд — икки ўғил, икки қиз вояга етди. Қизлар бувиси, буваси ва оналарининг касбини танлашди. Ўғиллар эса Хиванинг асл уста-хунармандлари сифатида танилиб, чиройли уялар қуриш ва уларга безак беришда бор маҳоратларини аяшмайди. Опа ишдан чарчаб келганида, шириндан шакар олти нафар неварасини бирмабир бағрига оларкан, чарчоғи зумда тарқалиб кетади.

«Устоз отангдай улур», дейишади. Устози Саъдулла Отаниёзовни ўзгача ҳурмат билан тилга оларкан, Муҳаббат опа тўлқинланиб шундай деди:

— Ота-она ва фарзандлар каби дунёда энг яхши, энг азиз инсон — устоз ҳисобланади. Устозимга умр бўйи таъзим қилсам ҳам кам. У киши менга нафақат алоқачиликнинг сирларини, балки алоқачи номини шарафлаш ва ушбу касбга чин қалбдан ихлос қўйишни ҳам ўргатди. Мен ўтган ҳаёт йўлимдан мингдан-миг розиман. Энг муҳими, одамлар ишончини қозона олдик. Хат-хабар, газета-журнал ва пул ўтказмаларини аҳолига ўз вақтида етказишга эришяпмиз. Худо хоҳласа, яқинда нафақага чиқаман. Амалга ошмай қолган орзуларимни шоғирдларим, фарзандларим охиригача етказишга аминман.

Муҳаббат Бобожонова умри давомида халққа савоб иш қилиб келганидан хурсанд. Шоғирдлари — Хива туманидаги «Ўзбекистон» ва «Чоношиқ» алоқа бўлимлари бошлиқлари Ҳасанбой Полванов ва Ҳайитбой Раҳимовлар ҳам хайрли ишларнинг бошида туришибди. Муҳаббат опанинг улардан кўнгли тўқ.

Фарҳод МУҲАММАДИЕВ
Хоразм вилоти

КАЧЕСТВО УСЛУГ

В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ – ВОПРОСЫ ВНЕДРЕНИЯ СМК

Проблема обеспечения качества продукции и услуг является одной из самых приоритетных задач в экономической политике всех стран мира.

ОТ ПРЕДОСТАВЛЯЕМОГО – К ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОМУ

ния этих требований. Вторая задача — нацелить персонал правильно понимать и исполнять требования, установленные для всей организации.

Внедрение СМК позволило

Узбекским агентством связи и информатизации совместно с Центром научно-технических и маркетинговых исследований проведен семинар-совещание на тему: «Внедрение систем менеджмента качества на основе международных стандартов ИСО серии 9000 на предприятиях сферы связи и информатизации в рамках требований постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «О мерах по внедрению на предприятиях систем управления качеством, соответствующих международным стандартам».

В работе семинара-совещания приняли участие представители предприятий сферы связи и информатизации, консалтинговых предприятий и компаний.

В своем выступлении на открытии семинара заместитель генерального директора Узбекского агентства связи и информатизации А. Ходжаев выразил надежду, что семинар позволит представителям ведущих предприятий сферы связи и информатизации получить рекомендации по оптимальному распределению ресурсов при разработке и внедрении систем менеджмента качества (СМК), информацию о наиболее часто возникающих при этом проблемах и путях их решения, а также обменяться накопленным опытом. Также было отмечено, что в сфере связи и информатизации международные сертификаты на СМК имеют СП «COSCOM», СП «Buzton».

В докладах участников семинара-совещания – ЦНТМИ, ООО «Unitel», СП «COSCOM», СП «Buzton», ИП «Бузтел», ДП

«Menejment Tizimlari Konsaltingi», филиала «TShTT» АК «Узбектелеком», компании «КОРУС консалтинг» была представлена информация о выполнении намеченных мероприятий и планов по внедрению и совершенствованию СМК в соответствии с требованиями ИСО серии 9000, о выбранной методологии внедрения систем менеджмента качества, продемонстрированы программные продукты, предназначенные для автоматизации процессов менеджмента.

В ходе семинара-совещания были обсуждены вопросы, возникающие при внедрении СМК на предприятиях сферы связи и информатизации, а также новые тенденции развития систем менеджмента качества.

По результатам обсуждения приняты соответствующие рекомендации, направленные на развитие систем менеджмента качества на предприятиях сферы связи и информатизации.

Альмира ГАТАУЛИНА, начальник ОлиС УзАСИ

Понятие «качество» приобрело ныне более широкое значение. Сейчас качество услуги – это та степень удовлетворенности потребителя, которую он получает от комплекса услуг, включая своевременность и полноту учета требований потребителя и уровня обслуживания на всех этапах предоставления услуги.

Пользователями услуг филиала «TShTT» являются более 80% жителей города Ташкента. Удовлетворить их всех качественными услугами связи — задача чрезвычайно сложная.

Наиболее надежный путь завоевания доверия пользователей услуг – это внедрение системы менеджмента качества (СМК), соответствующего требованиям международных стандартов ИСО серии 9000 (МС ИСО 9000). Сформулированные в них принципы менеджмента выбрали в себя опыт международного сообщества по созданию конкурентоспособного бизнеса.

В ноябре 2005 года филиал «TShTT» АК «Узбектелеком» закончил разработку документации СМК и приступил к внедрению системы на практике. Процесс очень сложный и трудоемкий. Сложность заключалась в территориальной разбросанности узлов связи и телефонных станций и очень большом объеме решаемых подразделениями филиала задач.

Первоначально у многих работников складывалось ошибочное представление о том, что система менеджмента качества это ка-

кая-то оторванная от жизни система и требования, устанавливаемые стандартом, выполнять не обязательно. Однако, вместе с обучением персонала и освоением навыков практической работы все больше и больше работников стали сторонниками глубокого освоения системы, пришло понимание того, что система должна быть единой, гибкой и мотивированной на конечный результат.

Качество предоставляемых услуг зависит от многих факторов. Это выполнение требований, установленных в нормативных документах; обеспечение ресурсами для работы в установленном режиме; своевременное выявление и устранение несоответствий, возникших во время предоставления услуги; правильная организация функционирования установленных процессов и др. Поэтому, именно, СМК осуществляет комплексное управление всеми этими факторами.

Стандарт ИСО обеспечивает переход от узкого понимания обеспечения качества для каждого подразделения отдельно к менеджменту качества в широком смысле – управлению процессом предоставления услуг на основе качества, т.е. к качественному менеджменту, когда каждое подразделение четко видит зависимость общего от частного.

При поэтапном внедрении системы первая задача состояла в том, чтобы довести до персонала требования разработанной документации и важность выполне-

осуществить распределение ответственности за процессы; значительно улучшить взаимодействие персонала предприятия, упорядочить работу подразделений; повысить ответственность руководителей и работников среднего звена; улучшить трудовую и технологическую дисциплину; организовать контроль за своевременным устранением выявленных несоответствий.

Учитывая, что СМК необходима прежде всего для удовлетворения потребностей наших абонентов, в настоящее время специалисты в области стандартизации работают над систематизацией показателей производимого качества, т.е. реального качества предоставляемых услуг; ожидаемого качества, которое в принципе устраивает клиентов и абонентов; привлекательного качества, превышающего ожидания клиентов и абонентов. Это даст нам возможность создать четкий ритм движения от производимого качества к ожидаемому качеству и далее — к привлекательному.


Руководство филиала «TShTT» АК «Узбектелеком» намерено получить сертификат соответствия международным стандартам ИСО 9000 в целях обеспечения безусловной конкурентоспособности телекоммуникационных услуг среди альтернативных операторов.

Ольга ШЕВЦОВА, руководитель группы СМК филиала «TShTT» АК «Узбектелеком»

С МИРУ ПО САЙТУ...

Национальный поисковый портал

Правительство Японии инициировало исследование на тему необходимости в стране национального поискового портала. Министерство экономики, торговли и индустрии привлекло к вопросу примерно 20 компаний и университетов, сообщил его представитель по информационной политике Фумихиро Кадзикава (Fumihiro Kajikawa).



Предварительный отчет необходимо представить к марту, а заключительный – к июлю. Среди участников исследования – Matsushita Electric Industrial, NTT и ряд столичных университетов. К ним также присоединятся Fujitsu, Hitachi и NEC. Группа также обсудит возможности поиска информации в изображениях.

Газета Nihon Keizai Shimbun сообщила, что правительство страны планирует потратить десятки миллионов долларов США на трех-пятилетний проект по созданию японской поисковой системы с начала 2007 финансового года. Предполагается, что система будет создана в противовес доминирующим на рынке «американцам» – Google и Yahoo, получающим высокие доходы от продажи рекламы. Кадзикава сказал, что правительство не собирается играть против кого-то. «Мы думаем, что данный проект будет специфическим для Японии», - сказал он, пишет агентство Associated Press.

«Капсулы времени»

25 апреля 2009 года мужчина по имени Грег получил письмо по электронной почте. Письмо напомнит Грегу, что он – лучший друг и худший враг самому себе, что однажды он назначил свидание девушке по имени Мишель, и что он планировал специализироваться на вычислительной технике. Отправитель этого сообщения – сам Грег, воспользовавшийся сайтом FutureMe.org.

Ресурс FutureMe.org – один из многих сайтов, позволяющих интернетчикам посылать письма по электронной почте себе самим и другим людям в будущее. Эти сервисы напоминают усовершенствованные «капсулы времени», которые принято было закапывать в землю в СССР, к примеру, для пионеров 2000 года.

Двадцатидевятилетний Мэтт Слай, студент Йельского университета, придумал концепцию FutureMe.org около четырех лет назад, сообщает Associated Press. Его партнером в организации данного проекта стал Джей Патрикиос из Сан-Франциско. Основатели сайта утверждают, что он не является сервисом напоминания, а заставляет пользователей думать на много лет вперед.

Алоқа соҳасига бўлган қизиқиш Наргизада болалигидан бошланган. Чунки отасининг касби алоқачи муҳандис бўлиб, оилада ушбу касбнинг афзалликлари, кундан-кунга ривожланиб бораётган ахборот-коммуникация технологиялари тизими борасида суҳбатлар бўлар, бундан Наргизанинг қизиқиши тобора иштиёққа айланар эди. Шу боис 1996 йили пойтахтдаги 151-ўрта мактабни тамомлаган, у ҳеч иккиланмай Тошкент ахборот технологиялари университетига ўқишга киришга аҳд қилди. Мақсадини билган ота-онаси ҳам унинг фикрини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади.

Мактабни фақат аъло баҳолар билан тамомлаган Наргиза ўша йилги тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, университет талабаси бўлди. У университетда ҳам тиришқоқлик билан ўқиди, танлаган касбининг назарий жиҳатларини эриштириб ўрганди. Ҳаш-паш дегунча турт йил ўтиб, бакалаврлик дипломини қўлга киритди. Аммо табиатдан билим олишга бўлган ташналик сабаб у ўқишини магистратурада давом эттиришни лозим топди.

2002 йили магистратурани ҳам имтиёзли диплом билан тугатган Н.Кушакова пойтахтимиздаги 133/132/136-АТСда муҳандис вазифасида иш бошлади.

— Алоқа соҳаси мутахассиси учун фақат назарий билимга эга бўлишнинг ўзи етарли эмас, деб ҳисоблайман, — дейди Наргиза. — Назарияни амалиёт билан ҳам мустаҳкамлаш керак. Шу боис АТС-га ишга кирдим. Менга муҳандисликни ишониб топширишди. Бу ерда бир йил ишладим. Университетда олган назарий билимларимни амалда қўладим. Соҳада рўй бераётган ўзгаришларни ўз кўзим билан кўрдим. Ишимни давом эттиришим мумкин эди, лекин ўқишга, севган соҳанинг сирларини янада кўпроқ билишга бўлган кучли иштиёқ устун келди.

Шу тарафда 2003 йили Н.Кушакова ТАТУнинг "Телематика тизимлари" кафедрасига ассистент сифатида ишга кирди ва шу йилнинг ўзига "Алоқа тармоқлари бўлими-

ри ва ахборот тақсимлаш" мутахассислиги бўйича университет аспирантурасининг кундузги бўлимига қабул қилинди.

Аспирантурада ўқиш давомида илмий иш олиб бориш билан бирга у талабаларга Интернет технологиялари, прогрессив технологиялар асослари, ҳужжатли электралоқа тармоқлари ва тизимлари каби фанлардан маърузалар ўқиди, амалиёт дарсларини олиб борди. Педагогикнинг масъулияти, аммо жуда завқли олами билан танишди. Деярли тенгдош талабаларнинг саволлари олдига эсанкираб қолмаслик учун ўз устида янада кўпроқ ишлади, билимини тинмай ошириб борди. Бу борада унга кафедра ўқитувчилари ҳам устоз, ҳам касбдош сифатида яқиндан ёрдам берди.

— Мен Наргизани талабалик давридан биламан, — дейди унинг илмий раҳбари, техника фанлари номзоди Наргиза Усмонова. — Унинг илм олишга бўлган кучли интилишини, тиришқоқлигини, максимал йўлида муаммоларни енгиб ўтишга қодирлигини кўп кузатганман. Шу жиҳатларини инобатга олиб, мен уни кафедрага тақлиф қилдим. Ҳозир ҳамкасбим. Мана, уч йилдирки, "Ассоциатив муҳит сифатида тақдим этилган телекоммуникация тармоқларининг ахборот модели" мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида бирга ишлаяпмиз. Илмий ишнинг асосий мазмунини муҳомададан ўтди. Диссертация мавзуси бўйича еттига илмий иши университет ҳамда халқаро ва республика конференциялар тўпламларида чоп этилди. Шу йиллар мобайнида унинг илм йўлини беҳиз танламаганига яна бир бор амин бўлдим. Негаки, игна билан қудуқ қазийдек мураккаб бўлган бу иш, айнакча техника йўналишида, ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Наргиза эса қиз бола бўлсада, бунинг уддасидан чиқяпти. Яна тақдор айтаман, буларнинг барчасига у ўзига бўлган қатъий ишонч ҳамда тинимсиз изланишлари орқали эришяпти. Мен унинг диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилишига, илм йўлида бу билан чек-

ланиб қолмаслигига ишонаман ва унга омад тилайман.

Дарҳақиқат, Наргиза доимо изланишда, турли тадбирларнинг фаол қатнашчиси. Масалан, у 2003 йили Cisco Systems компанияси томонидан ўтказилган инглиз тилидаги танловда ғолиб бўлди ва компаниянинг университет қошидаги Минтақавий академиясида телекоммуникация тармоқлари ва тармоқ ускуналарининг ишлари (CCNA — Cisco Certified Network Associate) курсларида амалий билимларини бойитди. Айна шу танловда қатнашиш унга инглиз тилини мукамил ўрганишга катта туртки берди. Ҳозир у бу тилда бемалол гапаша олади. Бундан ташқари, немис ва рус тилларини ҳам яхши билади. Буларнинг барчаси ушбу тиллардаги соҳага оид китобларни ўқишда, Интернет орқали энг сўнгги янгиликлар билан танишишда жуда асқотяпти. Яна бир гап: Наргиза жазон муштоз мусиқаси шайдоси ҳамдир. Бўш вақтларида Моцарт, Бетховен, Бах асарларини севиб тинглайди. Ўзи ҳам фортепианода қуйлар чалади.

— Диссертациям замонавий телекоммуникация тармоқларини самарали ташкил этишда инфокоммуникация технологиялар таъсирини тадқиқ этишга бағишланган, — дейди Наргиза илмий ишига тўхталар экан. — Назарий томондан ишим яқунланган, уни амалиётда таъбиқ этиб қўриш қолди. Диссертациямни муваффақиятли тамомлашам ва у коммуникация тизими тез ривожланиб бораётган бугунги кунда мамлакатимиз алоқа соҳасига озгина бўлса ҳам фойда келтирса — ўзимни жуда бахтли ҳисоблайман!

Ҳа, бизнингча ҳам энг кераги шу — Ватанимга, юртдошларингга наф келтириш. Бунинг учун эса Наргиза ўзига шир қилиб олганидек, мақсад сари фақат олдинга интилиш керак.

Мақоламиз сўнггида биз ёш оlima Наргиза Кушаковага келгуси йилларида янада катта зафарлар тилаб қоламиз.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
"Xabar"нинг махус муҳбири



SO' RAGAN EKANSIZ



ТАТУда ЎҚИМОҚЧИМАН

1. «Мен Андижон муҳандислик-иктисодиёт институтининг «Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази»да оператор вазифасида ишлайман. Шу билан бирга, мазкур институтнинг муҳандислик факултетида «Технологик машиналар ва жиҳозлар» йўналишида шартнома асосида 1-босқичда ўқийман. Мен ўқишимни ТАТУ махус сиртки факултетининг «Информатика» йўналишига ўтказишим мумкинми?»

Жамолiddин АБДУҚОДИРОВ
e-mail: jamoldin@intal.uz

ҚАРОРНИ ЎҚИБ...

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли харбий хизматни ўтаётган харбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори биринчи қисмининг учинчи ҳабошида:

«харбий қисм қўмондонлиги тавсияномасига эга бўлган, бироқ танлов давомида (тест синовини) керакли балл тўплай олмаган мuddатли харбий хизматни ўтаган абитуриентлар ўқишининг педагогика, қишлоқ ҳўжалиги, табиий-илмий ва техник йўналиши бўйича олий таълим муассасаларига тўлов-контракт асосида қабул қилинади» дея таъкидланган.

Қарорнинг ушбу банди Тошкент ахборот технологиялари университетига кирувчи абитуриентларга ҳам тааллуқлими? Шу ҳақда тўлиқ маълумот беришингизни сўрайман.

e-mail: ibroxim@uzpak.uz
ёки cemsnav@uzpak.uz

Ушбу саволларга Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, техника фанлари доктори, профессор Содикжон Собирович ҚОСИМОВ жавоб беради:

1. Республикаимизда талабалар (ўқувчилар) ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш жараёни Адлия вазирлигида 1999 йил 6 августда 793-рақам билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабалари (ўқувчилари) ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низомга асосан олиб берилади. Ушбу Низомнинг 7-бандига мувофиқ талабалар ўқишини, идоравий тасарруфликдан қатъи назар, бир таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига, турдош ва турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қошидаги Талабалар ўқишини кўчириш ва тиклаш идоралараро комиссияси қарори билан амалга оширилади.

Афсуски, бакалаврият босқичининг 5520700 — «Технологик машиналар ва жиҳозлар» йўналиши ўқиш шаклидан қатъи назар 5521900 — «Информатика ва ахборот технологияси» йўналишига турдош эмас. Шу боис, сизнинг ўқишингизни Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Информатика ва ахборот технологияси» йўналишига кўчиришингиз масаласи Идоралараро комиссияси қарори билангина амалга оширилиши мумкин.

2. Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли харбий хизматни ўтаётган харбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ушбу банди мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасаларига, шу жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетига кирувчи абитуриентларга ҳам тааллуқли.

Шунингдек, мазкур қарорнинг 1-банд, 1-ҳабошида «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида мuddатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юрталарига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорини қўшимча балл шаклидаги имтиёз бериш белгиланган», 2-ҳабошида «мазкур қарорга биноан белгиланган имтиёз харбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга берилди ва Ўзбекистон Республикасининг истисноси барча олий ўқув юрталарида таълимнинг ҳамма йўналишларига ҳўрий этилади», дейилган.

Бизнинг университетимиздаги таълим йўналишларида ўтказиладиган тест синовларидаги энг кўп балл — 226,8 балли, унинг 25 фоизи — 56,7 балли ташкил этади.

uxabar@mail.uz

Болалигим ўтган макон... Ҳамиша очик турадиган дарвоза, доимо ёзиғлик дастурхон. Остонага қадам кўяману, қалбимни исмсиз тўйгулар қамраб, алланечук титраб кетаман. Кўзларимга ишонмайман. Уйимиз деворлари... чўкиброқ қолибдими? Онажонимнинг жуссаси... Ахир, улар мендан қанча баланд эдилар! Дадажонимнинг кўзлари нурсизлангандек... шунча болани ўқитаман, уйлайман, жойлайман деб... Осонми? Ҳар гал шундай ўйлар исқанжага олади. Сўн яна икки қадам кўяману, кўз олдимда улар намоён бўлади: соғ-саломат, бардам-бакувват. Аллоҳга шукур! Изтиробли хаёлот қаёққадир ғойиб бўладию, мен яна бола бўлиб қоламан...

Уша кун ҳам ҳис-ҳаяжонлар гирдобиди ҳовлимизга қадам кўйдим. Кўзим дастлаб қатор ёйилган кирларга тушди. Катта-кичик дастурхонлар, сочиқлар, яна четроққа алоҳида ёйиб кўйилган жойнамоз... Ийя, онажоним раҳматлининг жойнамози-ку! Уни онам энам вафотидан кейин, мана неча йилки, ювдирмай келардилар. "Бунда онажонимнинг хиди бор. Эсларингда бўлсин, зинҳор-базинҳор юва кўрманлар!" Намозларини ўқиб бўлгач, жойнамозни юз-кўзларига суртаётганларида... ихтиёрсиз кўзларимдан ёш куюларди.

— Мунча, жойнамозга тикилганча ўйга ботибсиз?
Кўнгироқдай жаранглаган овоздан ҳушимга келдим. Қарасам, Феруза — бу азиз даргоҳни хуш-хандон кулгиларига тўлдирганига эндигина уч ой бўлган кенжа келинчак. У уялибгина, юзлари ял-ял ёниб, жилмайиб кўришди.

Уша он ҳаммасини тушундим — жойнамозни Феруза ювган. Демак, у — беҳабар. Онам унга "Жойнамозни юва кўрманг,

қизим", деб айтишга улгурмаган экан-да.

— Дадам Қувасойга — Комил акакига кетдилар, — деди у кўлимдаги нарсаларни оларкан. — Аям кўшиникида, йўқландида. Чақирайликми?

— Кир чайқаяпсиз шекилли. Ишингизни қилаверинг. Мен ўтира тураман.

— Йўғ-е, йўлдан келдингиз-ку. Бир пиёла чой ичатуринг. Мен ҳозир... — Феруза шундай дея хонтахта устига дастурхон ёзиб, бир зумда ноз-неъматга тўлдирди. Мен эса куриб қолган жойнамозни олиб келиб, юзларимга босдим. Бўғзимга бир нарса тикилгандай туриб қолдим. Таниш ифод димоғимга урилди.

Кўз ўнгимдан ёши саксон бешдан ўтса ҳам юзлари дўмбоққина энамнинг сиймоси бир-бир ўтди. Ана, энам намоз

(Бадиа)

ўқияптилар, ана, тасбеҳ ўғирганча пичирляптилар. Чехралари қанчалар нурили, қанчалар чиройли эди. Оппоқ рўмоллари бирам ярашарди-ей. "Ҳамиша тўғри гапириб, тўғри юрсанг, бас — юзларинг ойдек, куёшдек бўлиб, ишларингни худо ўнгидан келтиравереди...", деган бир маромдаги оҳиста овозлари қулоғимга чалингандек, галати бўлиб кетдим.

— Вой, опа, сизга нима бўлди? — Феруза менинг аҳволимдан ҳайрон бўлиб ёнгинамда турарди. — Ҳалитдан буён жойнамозни қўлдан кўйингиз келмайди, — саволмуз боқди у ҳолатимни англолмасдан. — Аям жойнамозни топ-тоза қилиб ювганимдан хурсанд... — ёйилибгина табассум қилди гуноҳсиз гуноҳорим.

Унинг беғубор, беташвиш табиати завқимни оширди. Ҳали анча ғўру қизиқувчан бу келинчак фақат шўх-шаён дамларнигина хаёт деб тушунадиган ёшда. Ундан ўпқаланиб бўлармиди?

Чойхўрлик орасида қишлоқ хангомаларидан суҳбатлашдик. Бир вақт Феруза овозини пастлашиб сўради:

— Бир нарса кўрсатайми?
Унинг овозидаги оҳанг, кўзларига ифода завқимни чандон оширди.

— Майли, агар сир бўлмаса,

ҳодиса юз берди.

— Ё кудратингдан, — дедилар онам хайрат ила. — Тушимда аён бўлган жойнамоз шумикин?

Мени бағрига босарканлар, кўзларига ёш қалқди.

— Кеча оқшом тушимда онажоним раҳматли ҳадеб мени эрқалаб, «Мақкаю Мадинам, шу жойнамозимни ювиб бергин», деяётганмиш. Ювай деб кўлимга олишим билан уйғониб кетдим...

— Лолу хайрон эдим. Туш билан ушбу ҳодисалар ўртасида қандай боғлиқлик бор? Қандай ҳикмату, қандай каромат яширин бунда? Яратган эгамгагина аён бу!

— Тушингиздан кенжа келиннинг хабари йўқ эдимми? — сўрадим онамдан Феруза ошхонага чой дамлагани кириб кетган. — Энамнинг жойнамозини айтпман...

— Йўғ-а, нимаиди? — деди онам ранглари қув ўчиб.

Мен янги яқандоз четида мунгайиб турган жойнамозга қўл узатганимда, онам "оҳ" деб юбордилар-да, кўлимдан жойнамозни олиб, аввал кўзларига авайлабгина суртдилар. Кейин бағрига босганча, ўтириб қолдилар. Лекин мени аядиларми, келиннимни, ҳар ҳолда бу гал кўз ёш қилмадилар.

— Майли, болам... Худойимнинг хоҳиши шу экан-да. Онажоним ўзи ҳам бежиз "ювиб бергин", деб айтмагандирлар. Менинг тушда кўрганларим болаларимга аён бўлибди...

... Шанба. Яна йўлга отланяман. Найманга — Меҳр аталмиш мамлакатга!

Ҳафиза САЛҲОВА

NAZM GULSHANI

СЕВГИДА ШОҲ ЭДИМ...

СЕНИ ДЕДИМ

Сени дедим, сени дея ўртандим,
Сени дея гурур, лафзимдан тондим.
Қадрим қора тупроқ бўлган онда ҳам,
Сени дея ушбу дунёда қолдим.

Хазонрезги куз ҳам ўтди, қиш ўтди,
Сенинг хаёлингга баҳорим ўтди.
Ўттизим дард ила, ғам-ҳасрат ила
Орқага бир боқмай ўтди-ю кетди.

Ўттиз бир ҳам раҳм айламади ҳеч,
Андух ва изтироб яна бўлди ҳеш.
Барча-барчасига дош-бардош бериб,
Сени дея ўтаверди куну кеч.

Сени дейман, сени дея яшайман,
Сенинг камолингни кўрмоққа шайман.
Яратган Эгамдан сенга бахт сўраб,
Яна бекаму кўст хаёт тилайман.

Сени дейман, сени дея яшайман!

СЕВГИ ФАСЛИ

Хайр!
Энди сен-ла йўлимиз айро.
Қалблар айро,
Сен ўзганинг ёрисан.
Энди ширин-ширин орзулар — рўё.
Бари-бари армонли дунё.

Хайр, муҳаббатнинг ожиз кучига,
Дунёнинг ишига хайр.
Водариг.
Севгида шоҳ эдим ва султон эдим.
Энди эса кимсасиз ғариб.

Хайр.
Орта қолган висол онлари.
Хуш бўл мунгли ўтмиш,
Сароб дийдорлар.
Барибир жўшқинсан, ардоқли, тенгсиз
Ва мағрурсан, эй севги фасли.

КЕТАМАН...

Кетаман, бош олиб кетаман
Сенинг таъкибларинг ётмас манзилга.
Сенсиз бу дунёдан ёлғиз ўтаман,
Орқамга боқмайман, орқамга!

Кетаман, бош олиб кетаман,
Измимга ғов бўла олмайди ҳеч ким.
Ёлғиз Аллоҳимга бошим эгаман,
Зеро, Яратганга аёндинг оҳим.

Кетаман, бош олиб кетаман,
Сен мағрур қолавер, ачинма менга.
Бу ёлғон дунёда яшаб нетаман,
Энди келаяпман асл ўзимга.

Кетаман, бош олиб кетаман,
Дунё лаззатлари керакмас менга.
Хузур-ҳаловатдан воз ҳам кечаман.
Кулгу бўлгим келмайди сенга.

Кетаман, бош олиб кетаман,
Тақдир, ёзмишимга тан бердим энди.
Қабримни зиёрат қилма, нетаман?
Ва топтама ҳеч тупроғимни.

Кетаман, бош олиб кетаман...

Рўзибой АЗИМ

ALOQACHILAR IJODIDAN

ТҮРТЛИКЛАР

Дилинг яширгани тилинг очади,
Яхши-ёмонингни элга сочади.
Бошни маломатга рўбарў қилиб,
Ўзи тишлар орасига қочади.

Бесамар умрдан нақдимиз кетар,
Орзулар ушалмай, бахтимиз кетар.
Умр йўлларимиз бир кун тугаб,
Сулаймон бўлсак ҳам, тахтимиз кетар.

Баъзан битта сўз ҳам ўққа айланар,
Орзу-ҳавасларинг йўққа айланар.
Қалбингга бир умр изтироб солиб,
Мангу ўчмайдиган чўққа айланар.

Дилинг тўла бўлса шафқатга,
Бел боғласанг доим ҳимматга.
Одамларнинг олдида мангу
Эришасан қадр-қимматга.

Иброҳимжон АҲМЕДОВ,

Андижон вилояти
махсус алоқа боғламаси ходими

ЭКРАНВОРД

Word search grid with words and images. Words include: Тўтқун, Қишлоқ, Шоти, Туркий давлат, Чул ўсимлиги Баҳоидир, Дуралгор иш курали, Дарахт номи, Зирдач техника, Қилчи, Буғдой, Япон сериали, Африка кенглиги, Муסיқа жанри, Арнинг куроли, Уловбон жонивор, Кон, Ҳазил вази, Роза, Уя, Номус, Эйфел, Одам, Образ, дафтар-часи, Зур, Пайғамбар, Хид, Нота, Мерилин, Сағити (буғж рассом), Арманча исми, Сағити тури, Ҳам ҳайвон, ҳам қўш, Ҳасса, Мақсад, Россиядаги дарё, Дарё (Хитой), Нота, Дарё (Польша), Хар хил рағли, Равнан, Харажат, Курсатин оломиши, Чехия футбол клуби, Топкентдаги даҳа, Шаррада, Буй, Самолёт русуми, От-улов, Допа, Боғловчи, Булут, Қадимий давлат, Одат, Кўрғаз-истондаги водий, Ҳожива (шоира), Об-..., Юрт, Суяқлик учовчи, Араб давлати, Болалар учини курали-маси, Қўрастин оломиши, Бино, Палар, Намоз вақти, Шикоят, Хонада (Россия), Абба, Қул, Кўрастин оломиши, Аҳвол, Тайёр, Овоз, садо, Ишкор, Минг, Нота, Қўш, Судралиб юрғич, Тахтикач, Эгасига вафодор, Саваат, Экин тури, Шерият, Човча чопилмайди, кўмса кўчилмайди, Авто.

RUHIYAT TESTI

ПАШШАДАН ФИЛ ЯСАМАНГ!

Асабни асраш — соғлиқни асраш демакдир. Чунки аксарият хасталикларнинг асл манбаи асабийликдир. Куйидаги тест орқали асабларингиз қай даражада — мустаҳкам ёки бўшлигини билиб олишингиз ва шундан келиб чиққан ҳолда иш тўтишингиз мумкин.



1. Раҳбарингиз барча ҳамкасблар олдида сизни ноҳақ ҳақорат қилди. Шунда сиз:
 а) кўпчилик олдида йиғлаб юборасиз;
 б) актёрлик маҳоратингизни ишга солиб, сир бой бермасдан юраверасиз;
 в) зудлик билан бошқа иш қидиришга киришасиз.

2. Ҳамкасбларингиз ишқий саргузаштларингиз билан қизиқишмоқда. Сиз:
 а) бу шахсий ишингиз эканлигини айтиб, уларнинг қизиқишларига барҳам берасиз;
 б) борини очик-ойдин айтиб, ҳамкасбларингизга бемалол ишонасиз;
 в) уларни чалғитиб, сўхбат мавзунини бошқа тарафга буриб юборасиз.

3. Дўстингиздан қарз олганингизга анча бўлди, аммо қайтариш имконияти йўқ. У дарҳол қайтаришингизни талаб қилапти. Шунда сиз:
 а) дўстингизни ҳам, ўзингизни ҳам қаттиқ ранжитасиз;
 б) бамайлихотир бөр гапни тушунтирасиз;
 в) уэр сўраб, бошқалардан бўлса-да, топиб берасиз.

4. Кимлардир турмуш ўртоғингиз сизга хиёнат қилаётганини маълум қилди. Сизнинг ҳаракатларингиз:
 а) қасдма-қасдга жазман қидиришга тушасиз;
 б) маълумотнинг рост ёки ёлгонлигини пинҳона текширишга киришасиз;
 в) дарҳол уйга етиб бориб, умр йўлдошингиз билан орани очик қиласиз.

5. Болангиз меҳмондорчиликда беадаблик қилавериб, сизни хижолатга солиб қўйди. Шунда сиз:
 а) ҳеч кимга сездирмай, болангизни чимчилаб, тартибга қакрасиз;
 б) ҳаммага эшиттириб, дақиқ берасиз;
 в) ҳали бола-да, дея айбини хаспўшлайсиз.

6. Жамоат транспортда одам тирбанд. Кимнингдир оёғини қаттиқ босиб, янги туғлисини расво қилдингиз. Шунда сиз:
 а) манзилга етгунча ундан уэр сўраб борасиз;
 б) унга жавобан бошлаб тўнғиллайсиз;
 в) ҳеч нима бўлмагандай орқа ўгириб кетаверасиз.

7. Кийимингизни кимёвий тозалаш корхонасидан олаётган пайтингизда унинг сифатсиз ҳолатда эканлигини кўрддингиз. Шунда сиз:
 а) 5-10 дақиқа жанжали томоша кўрсатасиз;
 б) кийимингизни олиб, шикоят дафтарини талаб қиласиз;
 в) шу захотийёқ кийимни қайтадан тозалаб қаришларини талаб қиласиз.

8. Дейлик, машинангизда муҳим учрашувга ошиқяпсиз. Йўлда олдингизга бошқа машина ўтиб олмоқчи бўлди. Сиз:

а) унга асло йўл бермайсиз, ахир вақт зик;
 б) уни ўтказиб юборасиз, чунки кутаётган кишингиз вазиятни тушунишига ишонасиз;
 в) ойини тушириб, жаҳл билан унинг ноҳақлигини тушунтирасиз.

9. Вақт ўтаётганлигидан афсусланиб, ўзингизга умр йўлдоши топмоқчисиз. Шунда:

а) ўзингизни ҳафа қилганингизни, энди тинч ўхлай олмаслигингизни сезиб, ўзингиз ҳам ҳафа бўласиз;
 б) яқинларингиздан бирор яхши инсон билан таништириб қўйишларини илтимос қиласиз;
 в) сиз мағрурсиз, кўнглингиздагини ҳеч кимга ошқор қилмайсиз.

10. Онангиз кўнғироқ қилиб, сизни соғинаётганини, сиздан ҳафа эканини билдирди. Сиз:
 а) онангизни ҳафа қилганингизни, энди тинч ўхлай олмаслигингизни сезиб, ўзингиз ҳам ҳафа бўласиз;
 б) вақтингиз бўлиши билан дарҳол боришга ваъда бериб, уни овуатасиз ва ҳожазо;
 в) кечирим сўрайсиз ва шу захотийёқ онангиз ҳузурига ошиқасиз.

- | | |
|-------------------|--------------------|
| 1) а-0, б-1, в-2. | 6) а-0, б-1, в-2. |
| 2) а-1, б-0, в-2. | 7) а-0, б-1, в-2. |
| 3) а-0, б-2, в-1. | 8) а-0, б-1, в-2. |
| 4) а-2, б-1, в-0. | 9) а-2, б-1, в-0. |
| 5) а-2, б-0, в-1. | 10) а-1, б-0, в-2. |

Тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг:

16 балл ва ундан юқори. Сиз барча ноҳушликлар, ҳавотир ва ташвишларни кейин эсламаслик учун қалбингизнинг туб-тубига қўйиб юборасиз. Яъни, бир муаммо бошқа нарсаларга таъсир қилмаслигига ўзингизни ишонтирасиз ва доимо оқилона иш юритишга интиласиз. Лекин муаммонинг ҳал этилиши сизнинг иродангизга боғлиқ эмас, чунки сиз вазиятни кўпинча тўғри баҳолай олмайсиз. Агар ҳис-ҳаяжонларингизни ошқор қилмай юраверсангиз, бирор киши билан яқин муносабатда бўлишингиз мушкул. Сиз ўз туйғуларингизга эркинлик беришингиз керак. Шунда ҳаётингиз ҳам ўзгара бошлайди.

8 баллдан 15 баллгача. Сиз ҳар қандай вазиятда ўзингизни тўғри тутасиз. Барча билан хотиржам, сокин муносабатдасиз. Бунинг сабаби жуда оддий — дуйбга зийрак назар ташлашга ўргангансиз ва ўз сезгиларингизга баҳо берасиз. Шу боис сиз ҳеч қачон жазавога тушмайсиз. Ноқулай вазиятга тушганингизда муаммони ҳал қилиш учун керакли фуратини кута оласиз. Бу борадаги қобилиятингиз турли баҳе-мунозараларни ҳал қилишда бошқаларга ҳам ёрдам беради. Чунки сиздаги софдиллик ва оқиллик атрафдагиларни сизга яқинлаштиради.

7 балл ва ундан кам. Сизга маълум даражада вазминлик жуда зарур. Эеро, сиз ҳаётнинг турли ҳодисаларини юрагингизга яқин оласиз, кечинмалар ҳам қалбингизда шунга яраша уйғонади. Яъни, тўлиқ тушунлик ҳолатидан бирданга кўтаринки кайфиятда бўлиб қолишингиз ҳам мумкин. Сизни аниқ баҳолаш қийин, чунки сиз ҳодисаларга кенг миқёсда қарай олмайсиз. Сиз учун пашша филдек ёки фил пашшадек кўриниши ҳеч гап эмас. Шу боисдан ҳис-ҳаяжонларингиз доимо тўлиб-тошади. Ноқулай вазиятларда кўпинча қийин аҳволга тушиб қоласиз. Муаммога ташқаридан қарашга ўрганишингиз ниҳоятда зарур.

Sport



Шу йилнинг 3-19 январь кунлари мини-футбол бўйича 10-Ўзбекистон Кубогининг иккинчи босқич баҳслари бўлиб ўтди.



“АЛОҚАЧИ” КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Мусобақа худудларга ажратилган ҳолда “А”, “В”, “С” ва “D” гуруҳларида ўтказилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, 12-15 январь кунлари Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи спорт залида бўлиб ўтган “С” гуруҳи ўйинларида асосан Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали вакилларидан ташкил топган “Алоқачи” жамоаси ҳам иштирок этди.



“Алоқачи”нинг мусобақадаги илк рақиби мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпиони — “Ардуc” жамоаси бўлди. Уйинда ҳисобни биринчи бўлиб алоқачилар очиди, бироқ катта тажрибага эга “Ардуc” жамоаси “Алоқачи”га муносиб жавоб қайтариб, галабага эришди. Мусобақанинг қолган учрашувларида алоқачилар ажойиб ўйин кўрсатишди ва тўрт учрашувда галаба қозониб, гуруҳда учинчи ўринни банд этди. Ушбу натижа “Алоқачи” жамоасига, уч йиллик уринишлардан сўнг, ниҳоят Кубок баҳсларини кейинги босқичда давом эттириш имконини берди.

Куйида “Алоқачи” жамоасининг ўйинлари натижалари ва турнир жадвали билан танишингиз мумкин.

- «Алоқачи» - «Ардуc» — 1:15
- «East Road» - «Алоқачи» — 3:4
- «Алоқачи» - «ОблОНО» — 10:2
- «DHL» - «Алоқачи» — 8:3
- «СШИ» - «Алоқачи» — 2:6
- «Алоқачи» - «Чирчиқ РОЗК» — 2:1

| № | Жамоалар, шаҳар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|----|-------------------------|---|---|---|---|-------|----|
| 1. | «DHL» Тошкент | 6 | 6 | 0 | 0 | 45-12 | 18 |
| 2. | «Ардуc» Тошкент | 6 | 5 | 0 | 1 | 62-17 | 15 |
| 3. | «Алоқачи» Тошкент | 6 | 4 | 0 | 2 | 26-31 | 12 |
| 4. | «ОблОНО» Гулистон | 6 | 3 | 0 | 3 | 21-24 | 9 |
| 5. | «East Road» Тошкент | 6 | 2 | 0 | 4 | 26-34 | 6 |
| 6. | «Чирчиқ РОЗК» Чирчиқ | 6 | 1 | 0 | 5 | 9-46 | 3 |
| 8. | «СШИ» Тошкент | 6 | 0 | 0 | 6 | 17-42 | 0 |

Эслатиб ўтамиз, ўз гуруҳида 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган жамоалар кейинги босқичда курашни давом эттиришади.

ҚОСИМОВ ФУТБОЛЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯКУНЛАМОҚЧИ

Ўзбекистон терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов катта футбол билан хайрлашишни маълум қилди, деб хабар беради ЎФФ ахборот-таҳлил бўлими.

Ўзбек футболнинг афсонавий ўйинчиси бу ҳақда Ўзбекистон Футбол Федерацияси раҳбарлари билан суҳбатлаган.

ЎФФ Миржалол Қосимовни тантанали равишда кузатиб қўйиш тақлифи билан чиқди. Қосимовнинг терма жамоа билан хайрлашиш тадбири 22 феврал кuni Бангладеш терма жамоасига қарши ўйиндан сўнг бўлиб ўтади. У Осиё чемпионати саралаш баҳсларини очиб берувчи мазкур учрашувда терма жамоани сардор сифатида бошлаб тушади. Бу унинг терма жамоадаги 68-ўйини бўлади.

Шунингдек, Миржалолнинг хайрлашув маросимини муносиб ўтказиш учун шу йилнинг ёз ойларида Қосимов жамоадолари ва Осиё терма жамоаси ўртасида учрашув ўтказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Миржалолнинг хайрлашув маросимини муносиб ўтказиш учун шу йилнинг ёз ойларида Қосимов жамоадолари ва Осиё терма жамоаси ўртасида учрашув ўтказиш режалаштирилмоқда.



Шунингдек, Миржалолнинг хайрлашув маросимини муносиб ўтказиш учун шу йилнинг ёз ойларида Қосимов жамоадолари ва Осиё терма жамоаси ўртасида учрашув ўтказиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон терма жамоасининг бўшаб қолган бош мураббийлик ўрнига россиялик мутахассислар – Валерий Непомняший ва Сергей Шевченколар даъвогарлик қилишмоқда. Бу ҳақда ЎФФ матбуот хизмати хабар қилган.

ТЕРМА ЖАМОАГА НОМЗОД МУРАББИЙЛАР

Янги мураббийни танлаш борасида яқин кунларда бир қарорга келинади. Ҳозирча номзодлар орасида юқоридаги мутахассислар асосий даъвогар сифатида қаралмоқда.



Келиб чиқиши туркманистонлик бўлган Непомняший 60-йилларнинг ўрталарида Самарқанднинг “Динамо” клубида тўп сурган, кейинчалик бу ерда мураббий сифатида ҳам фаолият олиб борган. Бироқ у жаҳон футболда Камерун терма жамоаси бош мураббийи сифатида танилди. Унинг қўл остидаги жамоа нафақат Жаҳон Чемпионатида йўл олди, балки унда ажойиб футбол намойиш қилишга ҳам эришди.

Шундан сўнг, Непомняший Туркиянинг “Генчлербирлиги”, “Анкарагужу”, Корейнинг “Юконг”, Япониянинг “Санфречче Хиросима”, Хитойнинг “Шенян”, “Шандун” ва “Шанхай Шенхуа” клубларида ишлади.

Шевченко ҳақида тўхталиб қолган бўлсак, у Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида таваллуд топган. Мураббийлик фаолиятини Боливиyanинг “Боливар” клубида бошлаган. Кейинчалик, Исроилнинг “Хапоэл”, “Ирони”, Россиянинг “Уралмаш”, “Уралан”, “Торпедо”, “Сатурн”, “Ростов” клубларида ишлаган. Унинг сўнгги иш жойи Донецкнинг “Металлург” жамоаси ҳисобланади.



Шевченко ўз шогирдлари билан Боливия чемпионатида олтин ва кумуш, Исроил, Россия ва Украина чемпионатларида бронза медалларни қўлга киритган.

“ПАХТАКОР” ЧОРАК ФИНАЛДА ТЎХТАТИЛДИ

Москва шаҳрида МДХ Кубоги баҳслари бўлиб ўтмоқда.

Равшан Ҳайдаров шогирдлари биринчи ўйинда Эстония чемпиони билан баҳс олиб бориб, 3:0 ҳисобида галаба қозонди.

“ПАХТАКОР” – “ТФМК” – 3:0

Голлар: З.Тожиёв 31, С.Жеппаров 68, И.Суёнов 71.

Иккинчи ўйин Грузия чемпионига қарши кечди.

“ДИНАМО” – “ПАХТАКОР” – 1:2

Голлар: Пономарёв 6 (0:1), Солиев 56 (0:2), Бобоҳидзе 69 (1:2).

Биринчи ва иккинчи турларда Россия чемпиони ЦСКА ҳам галаба қозонди. Шунинг учун гуруҳнинг сўнгги тури деярли ҳеч нарсани белгиласан эди. Чунки бу жамоалар чорак финал йўлланмасини ҳал қилиб бўлишганди. Шунга қарамаддан ўйин мурасимсиз тарзда кечди. Учрашувда Зайниддин Тожиёв томонидан киритилган учта тўп ҳам “Пахтакор”нинг галабасини таъминлай олмади.

“ПАХТАКОР” – ЦСКА – 3:4

Чорак финал натижалари куйидагича:

«Каунас» (Литва) – «Шахтёр» (Украина) — 3:1

«Нефтчи» (Озарбайжон) – «Пахтакор» (Ўзбекистон) — 0:0,

(пеналтилар бўйича — 4:2)

«Шериф» (Молдавия) – «Пюник» (Арманистон) — 1:1,

(пеналтилар бўйича — 3:5)

ЦСКА (Россия) – «Металлург» (Латвия) — 3:1.

Лутфилло ТУРСУНОВ txabar@mail.uz

| | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|--|--|--|--------------------------|----------------------------|--------------------------|-----------------------------|---------------------------|----------------------------|----------------------------|---------------------------|-------------------------|
| <p>МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги</p> <p>Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ</p> <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 042 рақами билан рўйхатга олинган.</p> | <p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Иzzат АХМЕДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Бахтиёр КУБЕЕВ Шомансур ОБИДУЖАЕВ Миродил САНГИЛОВ Равшанбек СУЛАЙМОНОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб) Асаджон ХУЖАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Солиқжон ҚОСИМОВ</p> | <p>Тахририятга келган қўлма ва суратлар эгаларига қайтарилмайд.</p> <p>Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин.</p> <p>Наширимиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорат материал — 0.</p> <p>Реклама матнларининг тахририни тахририят жавобгар эмас.</p> <p>Рақам ва долларларнинг ҳаққонлиги учун жақола муаллифи масъулдир.</p> <p>Газетани таъбирлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.</p> <p>Манзил: 700060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 133-36-48; 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@infonet.uz</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.</p> | <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.</p> <p>Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёк Турон” кўчаси, 41-уй.</p> <p>Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.</p> <p>Саҳифачив: А.БҲУРИЕВ.</p> <p>Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.</p> <p>Босингга товнирилади — 20.00, Босингга товнирилади вақти — 20.00.</p> | <p>356-G сонли буюртма. Офсет усулида босилди.</p> <p>Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 10390 нуска.</p> | | | | | | | | | |
| <p>Жамоатчи муҳбирларимиз:</p> | <p>Андижонда 46-47-80</p> | <p>Бухорода 226-22-14</p> | <p>Гулистонда 40-12-19</p> | <p>Жиззахда 226-26-96</p> | <p>Навоида 222-56-30</p> | <p>Наманганда 26-61-85</p> | <p>Нукусда 222-14-63</p> | <p>Самарқандда 34-06-71</p> | <p>Термизда 224-06-12</p> | <p>Тошкентда 133-36-48</p> | <p>Урганчада 226-43-13</p> | <p>Фарғонада 26-92-03</p> | <p>Қаршида 21-00-14</p> |

MASHHURLAR HAYOTI

Бу жуфтлик машхур оилалар тарихида энг таниқлилардан ҳисобланади. Улар ҳақида сўз юрийтишдан олдин Хитойнинг XX аср бўсағасидаги сиёсий-ижтимоий аҳволига бир назар ташлаб олмоқ керак.

МАО ЦЗЕДУН ВА ЦЗЯН ЦИН:

ҲОКИМИАТ ВА ЭЪТИРОС КУРАШЛАРИ

Хитой — улкан ҳудудда жойлашган, шу билан бирга, аҳолиси сони жиҳатдан жаҳоннинг етакчи давлати эди. Мамлакат қироли узок вақт мобайнида юртини хориж назаридан ҳимоя қилиб келишга интилди. Аммо ҳар қандай муҳофазанинг ҳам заиф томони бўлади. Бундан фойдаланиб, дастлаб португаллар, кейинроқ англизлар Чин юртига кириб келишди. Европаликлар ўзларига керакли барча нарсаларга кўз олайтиришди. Бироқ хитойликларга уларнинг ҳеч нарсаси керак эмасди. Хитой кумуш, ҳатто олтинга ҳам эҳтиёж сезмасди. Уддабурун англизлар наркотик моддалар савдоси орқали бу юртдан бойлик топишга ҳаракат қилишди. Тез орада Хитой олиум истемол қилинадиган катта минтақага айланди. Император бунга қарши курашишга уриниб кўрди. Бангфурушлар бу қаршиликларга қурол билан жавоб қайтаришди. Иккита уруш "олиум жанглари" номини олди. Хитойликлар хорижликларни мамлакатдан қувиб чиқаришди, аммо улар олиб келган гоёларга қарши бориша олмади. Чин юрти ёшлари утопиистлар фалсафасидан тортиб, Герел, Марк ва Бакунин илгари сурган гоёларни сув каби симира бошлаган эдилар. Бу эса император ҳокимияти учун жиддий хавф тугдиратганди.

Мамлакатдаги шундай алғов-далғовлар вақтида Хунан вилоятининг тоғли қишлоқларидан бири — Шаошанда 1893 йилнинг 26 декабр кунни деҳқон оиласида бир гўдак дунёга келди. Унга Мао дея исм беришди. Отаси унга бошланғич маълумот берди. У ўқини амалдор ёки ҳеч бўлмаганда ўзи каби деҳқон бўлишини хоҳларди. Китообларга кўнгил қўйиб улгайган Мао тенгдошлари сингари қишлоқда қолиб яшашни истамас, шаҳардаги қайноқ ҳаётга интилар эди. Шу боис у ўн тўрт ёшга тўлганда шаҳарга кочиб кетмоқчи бўлди, аммо отаси уни уйлантироқчи эканлигини айтиб, бу йўлда қолиб яшашни истамас, отанинг кистови билан йиғирма ёшли бир қиз келинликка танланди (қизиги шундаки, ўша даврда Хитойда 14 яшар қизларни энг ёш, 16 ёшдан катта ёшдаги қизларни эса қари қиз ҳисоблашарди). Номини бизга номаълум бўлган бу аёл билан Мао 18 ёшга етгунча яшайди. Мао кейинчалик ҳам бу қизнинг номини тилга олмади. Агарда кимдир қиз ҳақда бирон нарсани эслатмоқчи бўлса, унинг жахли чиқарди.

Ниҳоят, Мао Хунан вилоятининг маъмурий маркази бўлган Чанша шаҳрига келиб, ўрта мактабга ўқишга кирди. Бўлажак Буюк Йўлбошчи мазкур шаҳарда маҳаллий инқилобий тўғарака аъзо бўлди. Бу ерда у ўзининг биринчи муҳаббатини учратди — уни Тао Сюн деб аташарди. Улар биргаликда китоб дўкони очиди. Ушбу дўконда инқилобий тарғиботга оид адабиётлар сотиларди. Тез орада улар ажралишди. Ажралишнинг асосий сабаби — Мао устозининг қизи Ян Кайхайни севиб қолган эди.

...Мана шу пайтда Чаншадан минг километр узоқда жойлашган бир қишлоқдаги кичик савдогар хонадониди Цзян Цин исми қиз воёга етаётган эди. Унинг ҳақон туғилгани ҳақидаги маълумот ҳеч бир тарихчи маълум эмас. Чунки у 60-йиллардаги маданий инқилоб даврида ўзи ҳақидаги кўлаб "яхши"

маълумотларни йўқотишга эришган эди. Ўзининг таъкидлашича, у 1914 йилда туғилган. Цзян ўзини ёш кўрсатиш



мақсадида ушбу санани атайин айтган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Отаси Ли Дэван кўнгилдан одам эди. Шу боис ҳам 14 ёшли қизининг театр курсларига ўқишга киришига қаршилик қилмади. Бу ерда ўқиганларни енгилтабиат ҳисоблашар, уларга муносабат яхши эмасди. У 16 ёшида бой савдогарга турмушга чиқди. Бироқ асал ойи тугамасдан туриб улар ажралишди. Цзян Цин жуда гўзал бўлмаса-да, жозибаси, бенуксон қадди-қомати, олийнасаб хонимлардек сирли боқишлари билан ҳар қандай эркекни ўзига мафтун қилиб кўярди.

Цзян театр курсини битирган, театрда ишлаш бошлади. Саҳнада қойиллатиб рол ўйнамаса-да, ҳаёт сахнасида истеъдодли санъаткорларни ҳам йўлда қолдириб кетарди. У бор аёллик маҳоратини ишга солиб, ҳар қандай эркекни ўз олдига ёрдамга муҳтож, ожиз, ёш боланинг аҳволига солиб кўярди. Цзян иккинчи маротаба таниқли актёр ва танқидчи Тан Нага турмушга чиқди. Улар икки нафар қизли бўлишди. Ҳаётлари осуда кечиши ҳам мумкин эди, бироқ ўша пайтда бутун Хитойни инқилоб гоёлари қамраб олаётганди. Мана шу сабаб, яна Цзяннинг доимо биринчи хоним бўлиш орзулари оиласини ташлаб, Янан шаҳрига боришга ундади. Унинг кўзига шон-шухрат, дабдаба, энг эътиборли биринчи хоним бўлишдан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Эри орага болаларини қўйиб, қанчалик ялғин-ёлворди, ҳатто ўзини ўлдирмоқчи ҳам бўлди, аммо қор қилмади, барибир қайсар Цзян ўзи танлаган тақдир йўлидан орта қайтмади...

1937 йили Янан Марказий Хитойдаги йирик инқилобий шаҳарга айланди. Бу шаҳар Хитой инқилобий республикасининг маркази ҳисобланарди. Шу даврда Мао Цзедун мазкур республикага раҳбарлик қилаётган эди. Энди у даҳога айланиб улгурган, издролари ҳам кўпайганди. Маонинг инқилобчи сифатидаги фаолияти Чанша шаҳрида бошланган. 1920 йили у устозининг қизи Ян Кайхайга уйланди. Яннинг отаси Хитойдаги биринчи марксизмчилардан эди. Мао дарҳол марксизм гоёларини қабул қилди. Орадан бир йил ўтиб, у

Хунан вилоятидан Хитой Коммунистик партиясининг таъсис съезиди делегат этиб сайланди. Ўша пайтлари партия аъзолари кам эди. Шу сабабли ҳам ХКП мамлакатдаги кучли партиялардан бири — Гоминдан партияси билан иттифоқ тузди. Мао амал пиллаполярларидан шиддат билан юқори кўтарилга бошлади. 1926 йили у иттифоқчи — Чан Кайши ҳукуматининг тарғибот бўлими бошлиғи бўлди. Кўп ўтмай, Мао Гоминдан партияси етакчиси билан сан-манга бориб қолади ва вазифасидан озод қилинади. Шу тариқа иттифоқ ажралиб ке-

тиб, ҳар икки партия ўртасида низолар пайдо бўлади. Чан Кайши коммунистларни ёмон кўрарди. Бутун мамлакат бўйлаб ХКП аъзоларини қамаш, қатл этиш авжга чиқди. Маонинг рафикаси ҳам сиёсат қурбонига айланди. Ундан коммунист эридан воз кечишини талаб қилишди. Кўркмас ва садоқатли Ян Кайхай эрининг яширинча учинчи маротаба ўйлаб олганини билса-да, рақибларининг тақдирга рози бўлмади. У отувга ҳукм қилинди.

Маонинг навбатдаги рафикаси Хэ Цзинжен Цзинган тоғларидаги кўзгончиларга йўлбошчилик қиларди. У жасуриги ва жангчиларни бошқара олиш қобилияти билан ажралиб турарди. Хэ эри билан саккиз йил ёнма-ён туриб, Гоминдан армиясига қарши жанг қилди. Айни пайтда бир неча фарзандли бўлди, аммо улар касаллик сабабли узок яшамади.

Кўп уринишлардан сўнг Чан Кайши кўшинлари коммунистларни Цзинган тоғларидан қувиб чиқарди. Мао бу сарфар чекиншига мажбур бўлди. У 86000 нафар жангчиси билан қулай жой топиш мақсадида йўлга чиқди. Хитой тарихчилари бу юришни Буюк Юриш дея эътироф этишади. Ниҳоят, ўн минг километр йўл босиб, очлик, совуқ ҳамда касалликлардан омон қолган 4000 киши тинч ва қулай маскан — Шэнси вилоятидаги Янан шаҳрига етиб келди. Бу шаҳарда янги Советлар республикаси тузила бошланди. Юқорида номи тилга олинган Цзян Цин ҳам бу ерга шошилди. Унга Хитой Коммунаси эмас, балки Мао керак эди. Мамлакат қарийб ўн йилдан бери Коммунистик партия раиси ҳақидаги янгиликлар билан яшаётганди. Халқ унинг номини ўзгача фохр билан тилга оларди. Чунки у халққа ер, тенглик ваъда қилар эди. Оддий меҳнатқаш халқ учун ер — ҳаво билан сувдек зарур эди.

Цзян Цин эса Буюк Йўлбошчи орқали мамлакатнинг биринчи хоними бўлиш ниятига эришиш чорасини қидирар эди. Қутилмаганда Гоминдан ҳукуматининг газетасида Цзян ҳақида мақола чикдики, бу унинг Мао билан ҳаётини боғлашга туртки берди. Ўша мақолада Цзян икки фарзандини ва обрўли эрини ташлаб, кўзгончилар сафига қўшилган шафқатсиз коммунист сифатида таърифланганди. Газетада унинг сурати ҳам берилган эди. Юқорида таъкидлаганимиздек, Цзян умуман коммунистик гоёларга қизиқмасди. Аммо у коммунизм ўзига биринчи хоним бўлиш имконини беради, деб ўйларди. Дарҳақиқат, Мао ана шу мақола ва суратга эътибор берди. Худди шу пайтда унинг шахсий ҳаётида муаммолар туғилган — рафикаси Хэ билан муносабатлари жуда ёмонлашганди. Улар тез-тез жанжаллашиб қолишарди. Шундай дамларда Хэ ҳалдан ташқари асабийлашиб кетар, қўлига тушган нарсани Маога улоқтирар эди.

(Давоми бор.)

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади
aaxabar@mail.uz

FILATELISTLAR BURCHAGI

1996 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

122. "Соҳибқирон Амир Темур"
почта блоқи.
1996 й. 7 октябр.
Рассом Ю. Габзалилов.

Почта блоқи давлат арбоби ва саркарда, буюк бобокалонимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган. Маркада рассом М.Набиев қаламига мансуб Амир Темур портрети тасвирланган. Почта блокнинг хошиясидаги расмда теурийлар даври мейморчилик ёдгорликларининг кўринишлари акс эттирилган.



Почта блоқи ва маркасидаги ёзувлар давлат тилида берилган. Блок ва марка бир неча рангда бронза қўшиб ишланган. Оффсет усулида босилган. Перфорацияси рамкали. Блокнинг ўлчами 70x90 мм. Марканинг ўлчами 30x42 мм.
Адади 11,0 минг дона.

123. "Мустақиллик" почта блоқи.
1996 й. 21 август.
Рассом Ю. Габзалилов.

Почта блоқи Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган. Унда Ўзбекистон пойтахти Тошкентнинг бош майдони тасвирланган. Блок маркасида Ўзбекистон Республикасининг герби ва байроғи тасвирланган.



Почта блоқи бир неча рангда кумуш қўшиб ишланган. Оффсет усулида босилган. Блокнинг ўлчами 90x70 мм. Марканинг ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси рамкали.
Адади 30,0 минг дона.